

Ҳозирда ҳар куни эшигимизни тақиллатиб...

15:45 / 26.04.2016 2841

Ҳозирда ҳар куни эшигимизни тақиллатиб, 4 мучаси соғ бўлган инсонлар, тоғни уриб талқон қила оладиган эркаклар садақа сўраб келишади. Уларга садақа бериш жоизми?

Йўқ, жоиз эмас, бир марта тўйишга, бир кунлик ҳаражатига эга бўлган одам соимлик қилиши мутлақо мумкин эмас шариатда. Дангасалик, текинхўрлик, хизмат қилмасдан, пешона тери тўкмасдан бошқаларга оғир бир юк бўлиб ҳаёт кўришга ўтиш мусулмон одамга мувофиқ иш эмас, мутлақо нотўғри иш. Мана шундай ҳолатни тарқалиши, бўлган бўлмаганга тиланчилик қилиши, қўлини чўзиб юраётганлар, ишламасдан кун кўришга уринаётганлар исломга, мўмин-мусулмонларга эл-юртга, халққа катта бир ор ҳисобланадилар. Бунга қарши курашиш ҳаммамизнинг бурчимиздир.